




2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 48
(966)
2025 йил
27 ноябрь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



Халқаро конференция

НУФУЗЛИ АНЖУМАН ВА МУҲИМ ҚАДАМЛАР

2 ▶



АЗАЛИЙ ШУҲРАТ КЎЗ ЎНГИМИЗДА ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

5 ▶

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Экология соҳасидаги қонунбузарликлар учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш тартиби жорий этилиши ҳам муҳим янгиликлардан биридир. Жарималар фақат юридик шахсларга нисбатан қўлланади, бир ҳолат учун бир вақтнинг ўзида ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсни жазолашга йўл қўйилмайди. Энг муҳими, жарима тўлаш ҳуқуқбузарни қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

3 ▶



ТАРЖИМА — ЎЗГА ЭЛ ҚАЛБИНИ КАШФ ҚИЛМОҚДИР

Ҳозир шеър даври эмас. Битта бизда эмас, бутун дунёда аҳвол деярли шу. Ана, яқинда япониялик бир шоир "Мен юртимда шоир эканлигимни яшираман, сўраб қолишганда уларга ўзимни яна бир касбим — учувчилигимни айтаман" деб қолди. "Нега?" десам, "одамлар устимдан кулишади. Мен эса буни истамайман" қабилида жавоб берди.

8 ▶



ЭНГ ОЛИЙ ҲУҚУҚ

Мамлакатимиз Жиноят кодексининг барча нормалари инсонпарварлик ғоялари асосида шакллантирилган.

4 ▶





НУФУЗЛИ АНЖУМАН ВА МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Самарқанддаги “Silk Road Samarkand” туризм мажмуасининг Экспо марказида Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи флора ва фауна вакиллариининг ноқонуний савдосига қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (CITES) 20-конференциясининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

CITES CoP20 Самарқандда ўтказилган биринчи катта CITES йиғилиши бўлиб, Марказий Осиё тарихидаги илк CITES конференциясига айланди. Форумда 184 мамлакат ва Европа Иттифоқидан 3000 дан ортиқ иштирокчи, жумладан, давлат органлари, халқаро ташкилотлар, илмий ҳамжамият ва нодавлат сектори вакиллари иштирок этди. Асосий эътибор биохилма-хилликни сақлаш бўйича глобал чора-тадбирларни кучайтиришга, йўқолиб бораётган турларни муҳофаза қилиш бўйича халқаро савдонини тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришга ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди.

Очилиш маросимида БМТ Бош қотиби ўринбосари, БМТ Атроф-муҳит дастури ижрочи директори Ингер Андерсен (видео мурожаат), Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси – Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

раиси Азиз Абдуҳақимов ва CITES Бош қотиби Ивонн Игуеро сўзга чиқди.

Азиз Абдуҳақимов ўз нутқида Ўзбекистон сўнгги йилларда ёввойи табиатни ҳимоя қилиш ва ноқонуний савдога қарши курашишда комплекс ислохотларни амалга оширганини таъкидлади.

«Бир неча кун олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти тарихий фармон имзолади, унда миллий экологик бошқарувни ислох қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу фармонга мувофиқ, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Президент ва Сенат олдида ҳисобдор бўлади. Қўмитага «Био-мерос», «Яшил макон», «Экологик маданият», «Тоза ҳаво» ва «Чиқиндисиз ҳудудлар» каби миллий ташаббусларни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Шунингдек, Экополиция ва атроф-муҳит мониторинг маркази ташкил этилиб, ёввойи ҳайвонлар ноқонуний сав-

доси, экологик жиноятлар ва флора ҳамда фаунага оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш учун кенг ваколатлар берилди», – деди қўмита раиси.

Халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон TRAFFIC, INTERPOL, “Fauna & Flora International” билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, CAMI, CADI ва Ramsar ташаббуслари каби минтақавий лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Марказий Осиё давлатлари томонидан Самарқанд декларациясининг имзоланиши муҳим ютуқ бўлди.

Келажақдаги ҳамкорлик ҳақида гапирар экан, раис рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш учун “Samarkand AI-Hub” маслаҳат платформасини яратиш, шунингдек, ноқонуний ёввойи табиат айланмасига қарши санкцияларни мувофиқлаштириш ва жавобгарлик чораларини кучайтириш механизминини ишлаб чиқиш каби бир қатор ташаббусларни таклиф қилди. Ўзбекистон, шунингдек, қаттиқ назорат ва рақамли кузатув остида ноёб турларни кўпайтириш марказларини кенгайтиришни қўллаб-қувватлади.

Ивонн Игуеро ўз нутқида ҳам-

корлик умумий муваффақият асоси эканини таъкидлади.

“CITES – бу кўп томонлама ҳамкорликнинг амалда намойиши, ҳамкорлик инсонлар ва сайёрамиз учун натижалар беришини исботлайди. Бизнинг биргаликдаги ҳаракатларимиз – ёввойи табиат гуллаб-яшнаши учун ягона йўл. Бугунги ишимиз кўплаб жиҳатларда замонавий Ипак йўли – нафақат товарлар, балки билимлар, мажбуриятлар ва Ерда ҳаётни сақлаш бўйича ҳаракатлар учун ҳам йўлдир. Ушбу учрашув барқарор йўлни белгилаш имкониятидир. Келинг, Конвенцияни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун бирлашайлик, шунда ёввойи турлар гуллаб-яшнайдилар, экотизимлар ривожланади ва келажақ авлодларга эса барқарор табиат ва келажакка умидни мерос қилиб қолдирамиз”, – деди бош қотиб.

CITES CoP20 расмий очилиши 12 кунлик кенг қамровли дастурга старт берди, унга пленар йиғилишлар, Конвенция иловаларига ўзгартиришлар муҳокамаси, мавзули тадбирлар ва юқори даражадаги учрашувлар қиради, буларнинг барчаси ёввойи табиатни ҳимоя қилиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни кучайтиришга қаратилган.

ЭКОЛОГИЯ ҚЎМИТАСИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ҚАТЪИЙ ОҒОҲЛАНТИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Ҳукумат қарорига мувофиқ, барча қурилиш ташкилотлари ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи корхоналар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этиши шартлиги қатъий тарзда билдирилди.

Қурилиш ташкилотлари чанг ва кумнинг ҳавога қўтарилишига йўл қўймаслиги, кириш-йўлакларга сув пуркагичлар ўрнатиши, автотранспорт гилдиракларини ювиш учун

махсус шохобча ташкил этиши ва майдонларни ҳимоя тўсиқлари билан жиҳозлаш мажбурий ҳисобланади. Бу талабларга амал қилинмаса, маъмурий жазо чоралари қўлланилиши ва фаолият 10 иш кунигача тўхтатилиши мумкин.

Шу билан бирга, Президент фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, I ва II тоифага кирувчи корхоналар 2026 йилга қадар автоматик мониторинг станциялари, самарали чанг-газ тозалаш ускуналари ва санитар ҳимоя зоналарида назорат постларини жорий этиши шарт. Мажбуриятлар бажарилмаса, компенсация тўловлари 5 бараварга оширилади.

Қонунчиликка кўра, метеорологик шароитлар нокулай бўлиши кутилганда корхоналар зарарли ташламаларни камайтириши шарт. Шунингдек,



1 декабрга қадар атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини 2 бараварга қисқартириш талаби қўйилди.

Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, корхоналарга маъмурий чоралар, фаолиятни тўхтатиш ва зарурат бўлса жиноий жавобгарлик қўлланилиши мумкин.

Ҳукумат барча ташкилотларни экологик талабларга сўзсиз риоя этишга чақирди.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ҳар биримиз учун табиат нафақат ҳаёт манбаи, балки соғлом ва барқарор келажакнинг асосий кафолатидир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг хавфсиз ва соғлом атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Юртимизда бу йўналишда ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий барқарор тизим шакллантирилиб, экологик хавфсиз муҳит яратиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосий вазифа сифатида белгиланди.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар эко-тизимни барқарор бошқариш, аҳоли учун соғлом муҳитни таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатда экологик сиёсатни янги босқичга олиб чиқадиган стратегик аҳамиятга эга ҳужжатлардир.

Ушбу ҳужжатлар Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб, қўмита Президентга тўғридан-тўғри ҳисобдор бўлган, экологик хавфсизлик ҳамда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли орган сифатида белгилаб қўйилди.

Қарорнинг яна бир муҳим

жихати — Давлат экологик назорат инспекцияси (Экополиция) ни ташкил этишдир. Экополиция ходимларига махсус унвонлар берилди. Улар 2025–2027 йилларда замонавий техника ва транспорт воситалари билан таъминланади. Ходимларга жисмоний куч, махсус воситалар ва резина ўқли хизмат куролларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши, хизмат кийимларига боди-камералар ўрнатилиши ҳам экологик қонун бузилишларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан дарахт ва буталарни кесиш ёки қўчиришга рухсат берувчи ҳужжатлар қабул қилиш қатъиян тақиқланди. Бу норма экологик экспертиза талабларини четлаб ўтиш, яшил майдонларни асоссиз қисқартириш ёки атроф-муҳитга зарар етказувчи қарорларни қонунийлаштириш ҳолатларининг олдини олади.

2026 йил 1 мартдан табиатга зарар етказганлик учун компенсация тўловларидан берилган барча имти-

ёзлар бекор қилинади. Яъни имтиёз беришга оид илгариги ҳуқуқий ҳужжатлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Бу эса табиатни муҳофаза қилиш талабларини барчага тенг қўллашни таъминлайди.

Экология соҳасидаги қонунбузарликлар учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш тартиби жорий этилиши ҳам муҳим янгилеклардан биридир. Жарималар фақат юридик шахсларга нисбатан қўлланади, бир ҳолат учун бир вақтнинг ўзида ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсни жазолашга йўл қўйилмайди. Энг муҳими, жарима тўлаш ҳуқуқбузарни қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Экологияни муҳофаза қилишда жамоатчиликнинг роли тобора оширилаётгани ҳам алоҳида қайд этишга арзийди. Янги тартибга мувофиқ, аҳоли экологияни ҳимоя қилишда бевосита иштирок этадиган самарали жамоат назорати механизмига эга бўлди. Эндиликда маҳалла аҳолисининг камида 10 фоизи рози бўлмаган тақдирда, маҳалла-



даги дарахтли ер майдонларини олиб қўйиш ёки бошқа мақсад учун ажратиш қатъиян ман этилади. Бу тақик кадастр маълумотларида ҳам акс эттирилиб, жамоатчилик иштирокини институционал даражада мустаҳкамлайди.

Умуман олганда, қабул қилинган фармон ва қарорлар нафақат экологик бошқарувни янги босқичга олиб чиқади, балки мамлакатда экологик сиёсатнинг самарали амалга оширилиши, яшил майдонларни сақлаш ва экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим ҳуқуқий механизмни яратади.

Сапаргул УТЕМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли бандлиги ва камбағалликни қисқартириш соҳасида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар инсон кадрини улуғлаш, жамиятда адолат ва ижтимоий тенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган кенг қўламли ўзгаришлар нафақат эҳтиёжманд аҳоли қатлами ҳаётида, балки давлат бошқарувининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишида муҳим ўрин тутмоқда.

Яқин йилларгача ижтимоий ҳимоя соҳаси турли идоралар томонидан тарқоқ ҳолда юритилиб, мувофиқлаштирилган бошқарув ва манзилли ёндашувга эга бўлмаган эди. Президентимиз ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилиши соҳадаги барча меха-

ИНСОН ҚАДРИГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОХОТЛАР

низмларни ягона марказлашган очик ва шаффоф тизим ишлаши учун мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал асос яратиб берди.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, халқаро конвенцияларнинг ратификация қилиниши, инклюзив жамиятни барпо этишга қаратилган дастурлар амалий натижалар бермоқда.

Яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва келгуси йил учун аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда ишсизлик 4,9 фоизга тушгани, айрим шаҳарларда эса “табиий ишсизлик” даражасига яқинлашгани, 302 минг оиланинг камбағалликдан чиққани, 1 435 та маҳалланинг “камбағалликдан холи” мақомига эришгани таъкидланди. Энг оғир аҳволда бўлган ҳудудларда камбағаллик 4-4,5 баробарга қисқаргани ва илгари қийин аҳволда бўлган 105 минг оила даромад кўришни бошлагани қайд этилди.

Шу билан бирга, айрим туманлардаги масъулият билан ёндашмаслик оқибатида, ресурслардан оқилона фойдаланмаслик каби ҳолатлар ҳам алоҳида қайд этиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш учун муҳим устувор йўналишларни белгилаб берди.

Видеоселекторда белгиланган энг муҳим вазифалардан бири аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг ҳаётида узоқ муддатли барқарорликни таъминлашдир. Айниқса, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш масаласи алоҳида эътиборга олинди. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг аҳамияти ва ҳал қилувчи ўрни эътироф этилди.

“Тенг имкон – инклюзив бандлик” лойиҳаси доирасида ногиронлиги бўлган 40 минг инсоннинг иш билан таъминланиши, уларга 30 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратилиши жамиятимизда адолат ва тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим амалиётлардан биридир.

Шунингдек, бандликка қаратилган инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳам белгиланди. Бу дастурлар инклюзив жамиятни ривожлантиришнинг амалдаги муҳим қадмларидан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, белгилаб берилган устувор вазифалар мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг халқчил, адолатли ва натижага йўналтирилган янги босқичга қадам қўйганини тасдиқлайди.

Жасур ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати



Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотларнинг олий мақсади халқимизни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳар қандай бузилишига чек қўйиш, дунё андозаларига мос равишдаги жамиятни яратишга қаратилганлиги билан эътиборга лойикдир. Ушбу вазифалар мамлакатимизнинг бош қомуси – Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, Конституциямиз II бобининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади,” дейилган.

Истиклол йилларида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир конституциявий қонунлар, кодекслар ва бошқа қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хайрия тўғрисида”ги ва бошқа кўплаб қонунларнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга замин бўлмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўплаб ўзгартриш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартриш ва қўшимчаларнинг туб замири инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилди.

Конституциянинг 25-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”, деб қайд этилган. Бу билан Ўзбекистон Республикасида инсон ҳаёти олий кадрият сифатида ҳимоя қилиниб, давлат муҳофаза-

сида эканлигидан далолат беради, давлат инсон ҳаётига ҳар қандай тажовузни қоралаб, энг оғир жиноят сифатида эътироф этади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида инсон ҳаётига қарши жиноятлар учун энг оғир жазолар назарда тутилган. Ҳатто, давлат томонидан ҳам одам ҳаётидан маҳрум этилишига йўл қўймаслик мақсадида Жиноят кодексидан 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазоси бутунлай чиқариб ташланди. Ўлим жазосидан воз кечишнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш ва бу ҳақида яна уринишлар бўлмаслигини кафолатлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси 2-қисмида, Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади, деб белгилаб берилиши келажакда ушбу жазога қайтиш бутунлай тақиқланганлигини англатади.

Ўзбекистонда жиноий жазоларга нисбатан либераллаштириш доимий равишда давлат сиёсатида бўлиб, бу дунёда энг либерал Жиноят кодексига эга бўлишига замин яратиб берди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида фақатгина иккита моддада узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Ўлим жазоси моҳиятан давлат принципларига ҳам, жазоларнинг мақсади ва вазифаларига ҳам тўғри келмайди, ўзини демократик деб ҳисоблайдиган ҳар қандай давлат ўз фуқаросидан ўлим жазоси орқали воз кечиши демократик принципларга нисбатан зиддир. Фуқаро ўз давлатидан воз кечаверсин, бунинг учун у ўз жазосини олаверади, аммо давлат ўз фуқаросидан воз кеча олмайди. Жиноятчи

ўта ваҳший шахс бўлса ҳам жамият аъзоси, уни ўлим жазосисиз ҳам зарарсизлантириш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, Жиноят кодексининг 42-моддасида жиноий жазоларнинг мақсади жиноят содир этган шахсни қайта тарбиялаш, жиноий ҳаракатларига чек қўйиш ва жиноий жавобгарлик билан огоҳлантириш вазифаларини назарда тутати. Ўлим жазоси бундай мақсадларни қўзламайди.

Республикаимиз жиноят қонунига мувофиқ узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси аёлларга, 18 ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этганларга, 60 ёшдан ошган эркакларга ва тамом бўлмаган жиноятлар учун тайинланмайди. Мамлакатимиз Жиноят кодексининг барча нормалари инсонпарварлик ғоялари асосида шакллантирилган.

Хусусан, МДХга қирувчи қатор давлатларнинг жиноят қонунларида умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан биргаликда ўлим жазоси ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий нормаларни қиёсий ўрганиш бу жазо чорасининг дунё бўйича энг кам, фақатгина 2 та моддада назарда тутилганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткич айрим Европа ва Осиё давлатлари жиноят қонуниди ҳам бизникига нисбатан бир нечтагача кўпдир.

Масалан, Голландияда 19, Францияда 18, Швецияда 13, Данияда 9, Бельгияда 6, Германияда 5, Польшада 5, ХХРда 64, Кореяда 17, Японияда 16 та жиноят қонунини моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг дунёдаги энг инсонпарвар қонун эканлигидан далолат беради.

Бу айниқса, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларда яққол намоён бўлади. Суд-ҳуқуқ

ислохотлари жазо чораларини либераллаштириш ва жазо тизимини такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилди. Суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида бугунги кунда жазо тизими анча демократик ва инсонпарвар руҳда дея ишонч билан таъкидлаш мумкин. Хусусан, истиклол йилларида мусодара қилиш ҳамда ўлим жазоси каби жиноий жазо чораларининг бекор қилиниши инсонпарварликнинг тасдиғи. Ўлим жазосининг инсоннинг ажралмас ва узвий яшаш ҳуқуқига дахл қилиши ва бугунги кунда бунга йўл қўйиб бўлмаслиги унинг мамлакатимизда ҳам жиноий жазолар тизимидан чиқарилишига сабаб бўлди.

Ҳуқуқшунос М. Рустамбоев суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида жиноий жазоларни либераллаштириш ҳақида шундай ёзади: «Жиноий жазоларни либераллаштириш борасида салмоқли ишлар олиб берилди, хусусан, жиноий жазолар тизимидан мусодара қилиш жазоси чиқариб ташланди, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имконияти яратиб берилди, судьяларнинг жарима тариқасидаги жазони тайинлаш имкониятлари ошди, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар доираси кенгайтирилди, муҳими ўлим жазоси босқичма-босқич бекор қилинишига эришилди».

Қисқа қилиб айтганда, яшаш ҳуқуқи – инсоннинг энг олий ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Конституциямизда қатъий белгиланган.

**Баҳром АХРОРОВ,
Фахритдин МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети профессорлари**

АЗАЛИЙ ШУҲРАТ КЎЗ ЎНГИМИЗДА ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Анъанага мувофиқ, ташриф Имом Бухорий макбарасини зиёрат қилиш билан бошланди. Қуръони карим тиловат қилиниб, ўтганлар хотирасига бағишланди.

Ушбу мажмуа Ислом оламида юксак нуфузга эга муҳаддис бобомиз – Имом Бухорийнинг бой мероси ва маънавий сиймосига муносиб равишда барпо этилган. Мажмуанинг умумий майдони 45 гектарни ташкил этиб, бу ерда салобатли макбара, 10 минг нафар намозхонга мўлжалланган масжид, маъмурий бино, музей ҳамда замонавий инфратузилма объектлари қурилган. 75 метр баландликдаги 4 минора зиёратгоҳга ўзига хос маҳобат бағишлаган. Мажмуа фақат диний зиёрат жойи эмас, балки илм-маърифат ва тарбия маскани сифатида ҳам фаолият юртиши кўзда тутилган. Ёш авлод учун маънавий-маърифий билимлар ўчоғи бўлишини инобатга олган ҳолда, мажмуа ҳудудида инновацион музей ташкил этилди. Унда Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва ислом маърифатига қўшган бекиёс ҳиссаси кенг ёритилган. Мажмуа илгари бир кунда 12 мингга яқин зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозирги пайтда 65 минг нафар меҳмонни халқаро стандартлар асосида қабул қилиш имкониятига эга.

Президентимиз Оқдарё туманидаги Дахбед шаҳарчасида жойлашган Маҳдуми Аъзам мажмуасида олиб борилаётган реконструкция ишлари билан яқиндан танишди.

Маҳдуми Аъзам – нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси саналадиган сўфий олимдир. Аслида Косонсой туманида таваллуд топган бу зот илк маърифатни Фарғонадаги мадрасаларда олган, кейинчалик Самарқандда Хожа Аҳрор Валийнинг шогирди бўлган мавлоно Муҳаммад Қозийнинг пешвозида комиллик мартабасига етган. У тариқат илмига оид 30 дан ортик асар ёзиб, кўплаб изланувчиларни тарбиялаган.

Ҳозирда зиёратгоҳда кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Умумий майдони 5 гектарга яқин бўлган мажмуага келувчи зиёратчилар учун барча шароитлар яратиш кўзда тутилган. Макбара яқинида уч қаватли автотураргоҳ, кириш майдони, маъмурий бинолар, таҳоратхона, минг кишилиқ масжид ва айвонлар қурилмоқда. Реконструкция тугагач, зиёратгоҳ бир вақтнинг ўзида 35 минг нафар меҳмонни қабул қилиш имконига эга бўлади (авваллари бу кўрсаткич 5 минг атрофида эди). Шу билан бирга, зиёратчиларга янада кенгрок имкониятлар яратиш мақсадида ҳудудда ободонлаштириш ишлари ҳам олиб борилаётган. 40 дан зиёд савдо ва сервис нуқталари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари “Самарқанд – Ургут” янги темир йўл йўналишида олиб борилаётган қурилиш ишларининг бориши билан яқиндан танишди.

2025 йил феврал ойида бошланган мазкур темир йўл қурилиши 55 кило-

метр узунликда бўлиб, лойиҳа доирасида икки вокзал, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида юқларни қабул қилиш ва тарқатишга мўлжалланган иккита станция, шунингдек, бир неча кўприklar барпо этилди. Ўзбекистонга молик жихати шундаки, келгусида бу темир йўл тўлиқ электрлаштирилади. Мазкур йўналиш орқали икки жуфт шаҳарлараро ҳамда тўққиз жуфт юк поезди қатнови йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Лойиҳа жорий йил охиригача тўлиқ якунланиши режалаштирилган. Натижада йиллик 359 минг йўловчи ва 8,2 миллион тонна юк ташиш имконияти яратилади. Самарқанд шаҳри ҳамда Жомбой, Пастдарғом, Тойлок ва Ургут туманлари аҳолиси учун хавфсиз ва замонавий транспорт хизматларини тақдим этишдан ташқари, ушбу темир йўл ички туризмнинг ривожига ҳам хизмат қилади. Темир йўл тармоғи иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида “Ургут” эркин иқтисодий зонасининг логистик салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Янги йўналиш фаолият бошлаши билан 130 та иш ўрни яратилади.

Президентимиз темир йўл қатнови орқали Ургутга ташриф буюриб, лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан бевосита танишди. Сафар давомида давлат раҳбари темир йўл инфратузилмасини янада такомиллаштириш, йўловчилар учун қулайликлар яратиш, электрлаштириш ишларини жадаллаштириш ва темир йўл атрофи ҳудудларни ободонлаштириш бўйича масъулларга аниқ топшириқлар берди.

Энг асосийси, яратилаётган имкониятлар аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Инфратузилма мавжуд жойда янги иш ўринлари, кенг хизматлар, фаол тадбиркорлик муҳити вужудга келади.

Сафар чоғидаги суҳбатда давлатимиз раҳбари Самарқандда кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг одамлар ҳаётидаги ижобий аксини таъкидлади. Шунингдек, ёшларни Янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб авлод сифатида тарбиялаш, темир йўл атрофидаги ерларни ўзлаштириш, кишлоқ хўжалиги маданиятини ошириш, таълим соҳасида ҳамда қўшни давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Ургут вокзали янги йўналишнинг муҳим нуқталаридан бири сифатида қўрилди. Президент инфратузилма, хизмат кўрсатиш тизими ва йўловчи оқимини самарали ташкил этиш, шунингдек, сайёҳлар учун қулайликларни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари Ургут тумани фаоллари билан учрашиб, ҳудудларда-



ги янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва тинчлик-осойишталик масалалари юзасидан фикр алмашди.

Фаровон ҳаёт, барқарор даромад ва обод маҳалла – бугунги давлат сиёсатида устувор йўналишлар сифатида белгилаб олингани таъкидланди. Шунингдек, иқтисодиётдаги ислохотлар натижасида саноат, кишлоқ хўжалиги, туризм, транспорт ва энергетика соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Нуронийлар ўз сўзларида бу ўзгаришлар жамият ҳаётида яққол сезилаётганини, халқ ислохотларга ижобий муносабатда эканини алоҳида таъкидлашди.

Шавкат Мирзиёев Ургут туманидаги “Ferre Group” маиший техника ишлаб чиқариш корхонасига ташриф буюриб, унинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасида жойлашган мазкур корхона мамлакатимизда тадбиркорлик ва инвестиция муҳити учун яратилган қулай шароитлар натижасида ташкил этилган. Аввалига маиший техника воситаларини йиғиш билан фаолият бошлаган корхона ҳозирда музлаткич, газ плита, печ, чангюткич ва бошқа турдаги техника воситаларини тўлиқ циклда ишлаб чиқаради.

Маҳсулотлар “Dorsa”, “Kleo” ва “Ferre” брендлари остида ички бозорда сотилади ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжонга экспорт қилинади. Корхона йилига 250 мингдан зиёд буюм ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 85 фойзгача маҳаллийлаштиришга эришган.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг юртимиз салоҳиятини дунёга танитишдаги ўрнини алоҳида эътироф этиб, “Тадбиркорга суянмай туриб, Янги Ўзбекистонни қуриб бўлмайди”, – деб таъкидлади.

Жумладан, Самарқанд шаҳрида Туркия билан ҳамкорликда кўп тармоқли шифохона қурилиши, Булунгурда тиббий препаратлар ишлаб чиқариш, Ургутда ипак маҳсулотлари тайёрлаш, Нурободда технопарк ташкил этиш, Пастдарғомда кўчма иншоотлар ишлаб чиқариш каби йўналишлар камраб олинган.

Таъкидланганидек, Самарқанд сўнгги йилларда туризм, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида улкан ўсишга эришиб, халқаро тадбирлар марказига айланди. “Боқий шаҳар” мажмуаси, “Самарқанд” халқаро аэропорти, янги меҳмонхоналар ва зиёратгоҳлар вилоятнинг нуфузини янада оширмоқда.

Охирги саккиз йилда 12 миллиард долларлик инвестиция жалб этилди, 600 минг иш ўрни яратилди, тадбир-

корлар сони икки баробар кўпайди. Саноат ҳажми ва хизматлар соҳасида ҳам изчил ўсиш кузатилмоқда. Вилоят ялпи маҳсулоти 2016 йилга нисбатан 5 баробар ошди.

Президент Ургут туманида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. 55 км темир йўл қурилиши якунланди, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида 860 миллион долларлик лойиҳалар ишга тушди. Янги темир йўл, электрлаштириш ва саноат инфратузилмаси туфайли ҳудуд инвестиция учун янада жозибадор бўлмоқда.

Шунингдек, Президент Ургут марказини замонавий шаҳарга айлантириш мақсадида 90 гектар майдонда 100 минг аҳолига мўлжалланган экошаҳар барпо этиш режасини маълум қилди. Янги шаҳарда барча инфратузилма объектлари қурилади, маъмурий марказ шакллантирилади.

Янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш, таннархни камайтириш ҳамда энергия тежамкорлигини ошириш бўйича Самарқандни намунали ҳудудга айлантириши шартлигини кўрсатиб ўтилди. Кўпгина жабҳаларда Самарқанд ўзининг қадим шухратини тиклаб, бошқа вилоятлар учун методик жиҳатдан эталон вазифасини ўтай олиши таъкидланди.

Ташриф якунига оид фаоллар йиғилишида қатнашар эканман, қалбимда шундай фикрлар кечди: шукроналар бўлсинки, юртимизда халқ тақдири, айниқса, ёшлар келажоғи ҳақида қунутун қайғуриб, бутун дунё ҳамжамияти олдида Ватанимизнинг нуфузини оширишга сидқидилдан хизмат қилаётган, бу йўлда нафақат ўзини, балки барча даражадаги раҳбар ва мутасаддиларни ҳам фаолиятга, масъулиятга, изланишга илҳомлантираётган Президентимиз бор.

“Биз ўз меҳнатимиз, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ёшларимизнинг шижоати билан мамлакатимизни кун сайин юксалтириб, дунё аҳлини Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар бежиз эмаслигига, барча ислохотлар халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилганига, давлатимиз барча мамлакатлар билан тенглар ичра тенг ҳамкорлик ўрната олишига ишонтиришимиз керак. Бу ўзгаришларни, аввало, ўзимиздан бошлашимиз, уйимизда, маҳалламизда, ишхонамизда, атрофимиздагиларни шу ғояларга етказишимиз зарур. Чунки ҳеч ким бизга тайёр иш ўрни, маҳсулот ёки неъмат яратиб бермайди. Биз барчага ўз куч-қудратимиз билан эришамиз”!

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлардан илҳомланганим, куч олганим рост. Кеча фарзандларимга, бугун эса талабаларга ана шу қанотбахш ғояларни етказдим. Чунки бу фикрлар, бу қарашлар юртимиз эртасининг маънавий ва иқтисодий пойдеворидир.

Мавлон БОБОХОНОВ,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутати

УСТОЗИ — ХАЛҚ, МАКТАБИ — ҲАЁТ ЭДИ

Оврупаликларда бир ибора бор. Шоирлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда ўладилар. Бу ибора бизнинг Осиёга унчалик мувофиқ келмаслигини сезиб қоламан. Чунки, Навоий Хиротда туғилиб, Хиротда вафот этган, Яссавий Сайрамда туғилиб, Туркистонда вафот этган ва ҳоказо. Шарқимизда ижод аҳлларимиз кўпинча ҳилват, чекка гўшаларни ўзларига ошён этганлар.

Ғулом Фатҳиддин 1955 йил 25 декабрда Фарғона вилояти, Риштон тумани, Воҳим қишлоғида ишчи-деҳқон оиласида дунёга келди. Унинг болалиги ҳам қишлоқ болалариникидек ўтди. Ёшлиги турғунлик даврининг барча болаларга аталган «неъмат» ларидан бебаҳра қолмади. Далага чиқди, қурт бокди, деҳқончилик қилди. Болалигида ҳам ҳар хил ўйинларнинг ташкилотчиси, ижодкори бўлди.

Ҳаёт шоирнинг иродасини мусофир юртларда синади. 1975-77 йилларда аскарликда, 1972-81 йиллар Тошкент полиграфия комбинатида, Республика хужжатли фильмлар студиясида, Тошкент метрополитенида, Република телерадиокомпанияси чет эл радиоэшиттиришлар бош муҳарриятида ишлади.

Шоир ижодининг яна бир қирраси газетада ишлаган пайтда намоён бўлди. Бу ерда у адабий муҳитни соғломлаштиришга ўз ҳиссасини қўшди. Таҳририят қошидаги «Ижодкор» тўғараги фаолиятини жонлантирди. Жуда кўп ёшларга оқ йўл тилаб, уларни ижодга қўлади. Шу билан бирга, ўзи ҳам ўз устида тинимсиз ишлаб, устоз журналистлардан ижод сирларини ўрганди. Ўша пайтда унинг «Қалб туғёнлари», «Уфқларга талпинар диллар», «Ижодий изланишнинг қувонч ва ташвишлари» каби қатор тақризий мақолалари эълон қилинди. Булар ўз навбатида ёшлар ижодига катта туртки бўлди.

У халқ таълими соҳасида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритди. 35-ўрта мактабда она тили ва адабиёт, одобнома ва эски ўзбек ёзувидан дарс берди. Туман халқ таълими бўлимида она тили ва адабиёт фани бўйича услубшунос вазифасида ишлади. У тез орада туман адабиётчилари орасида ўзининг билимдонлиги, ижодкорлиги, ҳозиржавоб ва меҳрибонлиги билан танила бошлади. Туман мактабларида давр талабига жавоб берадиган она тили ва адабиёт хоналари ташкил этилишида, бу фаннинг ўқитилишида унинг хизматлари катта бўлди. Бу ишлар, нафақат, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти, балки Абдулла Авлоний номи Республика-

ка ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари эътиборини тортди. Унинг ишлари Республика-миз бўйича оммалаштиришга қарор қилинди. «Маърифат» газетасида Ғ. Фатҳиддиннинг ўқитувчилик фаолиятига бағишланган Авазхон Мухторовнинг «Машраб суянган дарахт» номли бир саҳифадан иборат мақола эълон қилинди. Риштон тумани она тили ва адабиёт ўқитиш бўйича республикамиздаги кўзга кўринган туманлар қаторидан жой олди.

Риштон туманида она тили ва адабиёт фани бўйича республика семинари ўтказилди. Бу Ғулом Фатҳиддиннинг педагогик фаолиятига бўлган юксак ишонч ва эътиборнинг ёрқин кўриниши эди. У туман халқ таълими бўлими «Ташхис Маркази» бошлиғи вазифасида ишлаган чоғларида ҳам қатор ибратли ишларни амалга оширди.

2003 йилда тумандаги ўзи ўқиган 36-умумтаълим мактабига раҳбарлик қилиш билан бирга, шу мактаб базасида, жаҳон андозаларига мос янги 63-умумтаълим мактаби қурилишига бош-қош бўлиб, хайрли ва савоб ишга қўл урди. 2004-2009 йилларда шу мактабда директор вазифасида фаолият олиб борди. Мактабга шахсан Халқ таълими вазири ташриф буюриб, 6 нафар илғор ўқитувчилар «Халқ таълими аълочили» кўкрак нишони билан, 10 нафар ўқитувчи ва мураббийлар вазирликнинг «Фахрий ёрлик»лари билан тақдирланди. Бу туман, қолаверса, вилоят тарихида юксак кўрсаткич эди.

Ғулом Фатҳиддиннинг 50 йилдан ошиқ ижодий фаолияти даврида республика нашриётларида бир қатор шеърӣ тўпламлари мухлислар ихтиёрига ҳаволи қилинди. Унинг 1992 йилда «Ёшлик» алманахида туркум шеърлари, 1984 йилда «Бўлоқ кўз очди» мажмуасида «Юраётган дарахтлар» тўплами, 1990 йилда «Хиргойи», 1992 йилда «Истак»сингари тўпламлари мухлислар ихтиёрига ҳавола қилинди. 1996 йилда туман тарихини акс эттирувчи «Фирдавс боғи» номли ҳаммуалифлик асосидаги тарихий китоби чоп этилди. 2012 йил «Шарқ» нашриётида «Ложувард соя» номли катта шеърӣ китоби нашр этилиб, Қўштепада ушбу китоб тақдироти бағишланган катта анжуман уюштирилди ва унда Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ва бошқа адиблар ташриф буюрган эдилар.

У иштирок этган шеърӣят учрашувлари жуда қизиқарли, баҳслар асосида ва савол-жавоблар билан марокли ўтарди.

Бир қизиқарли учрашув ҳеч ёдим-



дан чиқмайди. 1985 йил эди. Қўқонга Тошкентдан Абдулла Орипов, Аҳмад Тошхўжаев ва бошқа шоирлар келишди. Вилоятимиздан ҳам кўпгина таниқли шоирлар таклиф этилган. Улар орасида Ғулом Фатҳиддин ҳам бор эди. Абдулла Орипов Ғулом Фатҳиддинни шеърӣят мухлислари орасидан олдига чақириб олди. Шеърхонлик роса қизиди. Қўқонлик шеърӣят мухлислари риштонлик шоирни ҳам роса олқишлашди. Сўнгра учрашув ҳозирги Учқўприк туманининг талабалар пахта тераётган бир гўшасига кўчди. Ҳа, яхши шоирни мухлислар ўзи ажратиб берар экан.

Айни пайтда унинг шогирдлари республикамизнинг барча жойларида мавжуд. Мен ҳам бир шогирди бўлганимдан доимо ғурурланиб яшайман. Унинг устозлик фаолияти олдида бир умр қарздорман. Мен ўзимнинг ҳаёт ва ижодимдаги барча ютуқларимда устознинг катта хизматлари борлигини чин юракдан ҳис этиб яшайман.

Устоз ҳаётда жуда ҳазилкаш ва шогирдпарвар инсон эдилар. Бир куни икковимиз газетага бир каттагина мақола тайёрладик. Мақола тугагач, охирига Ғулом Фатҳиддин, Асадуллоҳ Солиҳ, деб муаллифлар номини ёздим. Шунда устоз кўриб, йўқ, биринчи ўзингизни ёзинг, дедилар. Мен эса, хайрон бўлиб, йўғе, устоз, сиздан юқорида турамани, деб кўнмадим. Ёзаверинг сабабини айтаман, деб шундай дедилар: Қалам ҳақи пастдаги муаллифга берилади-да. Икковимиз роса қулишдик. Асосий мақсад эса, менинг номимни биринчи ёздириш ва ижодга руҳлантириш эди. Телевидение ходимлари интервью олмоқчи бўлишса ёки бирор газета-журналга шеърларини сўрашса ҳам аввал биз шогирдларини тавсия қилар эди. Ҳеч қачон ўзим бўлай демас, шогирдлар ва дўстларга доимо яхши нарсаларни илиниб яшардилар.

Шоир Тошкентни, ўртоқларини кўпроқ соғиниб яшади. Кейинги пайтда бир йилдан ошиқроқ Ўз-

бекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмон ижод уйида оиласи билан яшаб ижод қилганида ҳам у ерда устоз Нурали Қобул ва кадрдон дўстлари — Чоршамъ, Яхё Тоға, Нуруллоҳ Остон, Турсун Али ва бошқалар билан доимий мулоқотда, суҳбатда бўлди.

Унинг ҳаёт тарзи ҳам оддий одамларникидек эди. Бой-бадавлат бўлсаму ҳаммага ёрдам берсам, дерди. Нафсини доимо тийиб яшашга ҳаракат қиларди. Жуда кўп миллат вакиллари билан дўстлари, биродарлари бор эди. Спортнинг оғир атлетика, бокс ва бошқа турлари билан шуғулланарди.

Китобни танлаб ўқирди. Унга тарихий, илмий фантастик мавзудаги асарлар ёқар эди. Диний қиссалар, тавсирларни ўқишни ёқтирарди. Ҳар куни ҳеч бўлмаса бир варақ китоб ўқимаса кўнгли ўрнига тушмасди. Халқ кўшиқларини ёқтирарди. Ишлаётган, изланаётган одамни хуш кўрарди. Барчани бирор янгилик яратишга руҳлантирар эди. Ўзи ҳам томорқада меҳнат қилишни, боғ яратишни, боғининг меваларидан одамларни баҳраманд этишни истарди.

Ёзганларини чиқаришга унчалик ишқибоз эмас, ўзини кўз-кўз қилишни ёқтирмасди. Дўст бўлса, бир умр дўст бўлишини хоҳларди. Ҳар бир нарсадан фазилат топишга, ибрат олишга, ўрганишга ҳаракат қиларди. Ваъдавонликни, ёлғончилик, кибру ҳавони ёмон кўрарди. Доимо халқ ичида бўлиш, юртни обод ва озод кўриш унинг орзуси эди. Гўзаллик шайдоси, ёзда ҳам, қишда ҳам кўм-кўкликни ёқтирарди. Шахмат жону дили эди.

Ғулом Фатҳиддин айни ижод палласида 68 ёшида беморлик боис орамиздан кетдилар. Унинг режалари улкан, кўплаб янги шеърлари ва асарлари нашрга тайёр эди. У «Машраб суянган дарахт», «Нажот ва суиқасд» деган шеърӣ асарлар, «Қуръони карим тухфалари» туркуми устида иш олиб бормоқда эди.

Ана шу ўринда бир хушхабарни мамнуният билан келтириб ўтмоқчиман. Устоз таваллудининг 70 йиллиги арафасида унинг «Сайланма» асари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими ҳомийлигида «Фарғона» нашриётида чоп этилди. Зеро, Янги Ўзбекистонимизнинг бугунги талаби ҳам ўтганлар меросини ўрганиш, орамиздаги истеъдодларни кадрлашдан иборатдир.

**Асадуллоҳ СОЛИҲ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.**



КОНСТИТУЦИЯ – ЎНГЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ МАЁҒИ

Ватанимиз барча жабҳаларда юксалган сари рақобат ортиб бораверади. Юртимизни оқил кадрлар, фидойи зиёлилар, билимдон ёшлар, уқувли ватандошлар жаҳон тамаддунига тортиб бораверадилар. Бунинг учун таълимнинг, тарбиянинг, тажрибанинг халқаро талабларга жавоб берадиган мазмуни онгу шууримизни мунаввар этиши шарт. Шу йўлда улкан мақсадлар барча ватандошларимизнинг тафаккурини эгалламоқда.

Ана шу улкан мақсадларни амалга ошириш учун халқимизнинг оқилона таклифларидан кейин Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч барабарга ортди. Жумладан, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари уй-жой билан таъминланиши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсонга муносиб яшашини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши, фуқароларнинг тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан олишга ҳақлилиги ва бошқалар белгиланди. Бошқача айтганда, ижтимоий давлатга хос бўл-

ни, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш бериши билан боғлиқ нормалар киритилди. Устозга бўлган юксак эҳтиром Конституциямизда ўз ифодасини топди. Шунингдек, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралаштириш, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслигини Конституция даражасида белгилаб қўйилди.

Зеро, айна кунларда ҳам мамлакатда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба ёшларда замонавий билим ва кўникма-



ни ривожлантириш, тизимда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш бош мақсадга айланди. Ана шу улкан мақсадлар йўлида бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган улкан ислохотлар, Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига ўтиш жараёни, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида, мамлакат Бош қомуси такомиллаштирилди. Чунки глобаллашув, рақамлаштириш, тез ўзгариб бораётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий жараёнлар, жамият ва давлат барча жабҳаларини модернизация қилишда конституциявий-ҳуқуқий ислохотлар ўтказиш давр талабидир. Шунга кўра, Конституциямизда таълим-тарбияни такомиллаштириш, зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний қадриятларимизни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш бўйича билдирилган фикрлар қўллаб-қувватланди.

Мухтасар қилиб айтганда, бизнинг конституциямиз инсон ҳуқуқларига ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига, ҳар бир инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати, фаровонлиги ҳамда манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилишга, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни барпо этиш ҳамда мустаҳкамлашга, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англашга, ёш авлодни чин ватанпарвар ҳамда ўта билимдон этиб улғайтиришга, дунё аҳли билан тенглар ичра тенг бўлиб озод ва фаровон яшашга барчамизни руҳлантиради, илҳомлантиради, йўлимизни мангу ёритиб туради.

Азамат КУРАХМЕДОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар
институтининг ёшлар масалалари
ва маънавий-маърифий ишлар
бўйича биринчи проректори.

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1110
Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Давлатимизда таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятимизда ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, ўқувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, тизимда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш бош мақсадга айланди. Ана шу улкан мақсадлар йўлида бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган улкан ислохотлар, Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига ўтиш жараёни, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида, мамлакат Бош қомуси такомиллаштирилди.

ган барча элементлар конституция-мизда акс эттирилган. Чунки инсонга эътибор, аслида келажакка, она ту-проққа, миллий ўзликка эътибордир. Инсон тафаккури, инсоннинг ҳаётдан розилик даражаси, унинг ҳақ-ҳуқуқларини сўзсиз таъминланиши бу ҳар қандай давлат қудратидан муҳимроқдир. Дарҳақиқат, янгилаш ва мазмунли ислохотлар, халқчил ҳуқуқ мезонлари, айниқса, тақдиримиз мезони – таълим ислоҳоти давр талабидир. Чунки, бугунги шиддатли рақобат замонида фақат билимли, маърифатли миллат ва давлат муносиб тараққиётга эриша олади. Улуғ аждодларимизнинг янги баркамол авлодини тарбиялаб вояга етказмоқчи эканмиз, бунинг учун боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини устувор тараққий эттиришни конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйишимиз шарт. Бош қомусимизда давлат мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизими-

ларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Давлатимизда таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятимизда ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, ўқувчиларнинг касбий маҳорати-

ТАРЖИМА – ЎЗГА ЭЛ ҚАЛБИНИ КАШФ ҚИЛМОҚДИР

Велосипедни қайта кашф қилмаслик учун ҳам таржима керак. Дунёга очилмоқ, ривожланмоқ учун таржима керак. Ўзгани билмоқ, танимоқ ва севмоқ учун таржима керак. Шунингдек, ўзни билмоқ учун ҳам керак у...

Мен рассомга, композитору ҳайкалтарошга ҳавас қиламан. Чунки улар асарларини таржима қилишнинг ҳождати йўқ. Улар барча эллар учун универсал тилда ижод қиладилар. Лекин сўз санъати... у таржимага муҳтож. Таржимоннинг яхши бўлса, хўп-хўп, мабодо, бундайроғи учраса борми, аҳвол чатоқ – узоқ муддат сени ўша таржима орқали “эслаб” юришади. (Бу ўринда “эслаш” сени қайта таржима қилмай туришади, деганидир). Шу маънода ушбу муаззам уч жилдлик “Дунё шеърляти антологияси”га шеърлари кирган шоирлар омадлидирлар, дейиш мумкин.

Кўпинча илғор жаҳон адабларига тегишли бўлган кашфиётлар олиб келиб ўзбек ёзувчилари “кўксига тақиб қўйилади”. Бу ниманинг оқибати? Дунё адабиётидан хабарсизлик оқибати. (“Агар огоҳсен сен, шохсен сен” деганмиди ҳазрати Навоий). Агар хабардор бўлинганда эди, бундай иш тutilмасди. Таржималар кўп ва хўп бўлса, адабий плагиатга ҳам деярли чек қўйилади.

Қани энди К.Баҳриевнинг ушбу “Дунё шеърляти антологияси” бундан 30 йиллар олдин чиққанда эди, дея армон қилдим мен. Чунки унда дунё адабиётининг бир қисми эмас, деярли жамига тегишли адабиётнинг бир қисми қамраб олинган. Яъни дунё адабиёт деган қўл билан “қучоқланган”. Камина профессор А.Қосимов билан бирга ёзган “Жаҳон адабиёти” дарслигида ҳам худди шу принципга амал қилинган эди. Аммо дарслик ёзилмасдан бурун К.Баҳриев таржималаридан иборат антология қўлимизда бўлганида борми, ундан мўл-кўл истифода этган бўлардик, дея яна бир армонга берилдим мен. Майли, насиб қилса, келгуси нашрларда бу йўл албатта “бир ўтулгуси”.

1992-93 йилларда Туркияда таҳсил оларкан, китоб фуарларини кўп айланган ва улардаги таржималарга кўзим тушиб ҳайрату ҳавасдан “қотиб” қолгандим. Пештахталарда жаҳоннинг кўзга кўринган барча ижодкорлари асарлари, яна денг, жамиятшунослик, психология, дин, тиббиёт, социология, тарих каби кўплаб соҳаларга оид сон-саноксиз китоблар бўларди. Ҳатто ўзимизнинг Берунийу Ибн Синонинг жилдлари ҳам “манамаман” деб кўкрак кериб турарди... Шуларни кўриб, “ҳа, ривожланмоқчи бўлсанг, аввало, таржима орқали дунё етиб келган даражани билиб олмоғинг керак. Йўқса, велосипедни қайта кашф қилиб ёки бировлар кашф қилганни миниб ўтираверасан”, деган тўхтамга келгандим.

Ҳозир шеър даври эмас. Битта бизда эмас, бутун дунёда аҳвол деярли шу. Ана, яқинда япониялик бир шоир “Мен юртимда шоир эканлигимни яшираман, сўраб қолишганда уларга ўзимни яна бир касбим – учувчилигимни айтаман” деб қолди. “Нега?” десам, “одамлар устимдан кулишади. Мен эса буни истамайман” қабилда жавоб берди. (Р.Раҳматнинг “Шоирлигимдан ийманамаман” мақоласини эсланг. Ўхшаш манзарами?... Икки томчи сувдек, деяверинг). Лекин шундай бир даврда ҳам адабиёт билан, шеър ёзиш билан, айниқса, унинг таржимаси билан шуғулланиш кишини ўйлатиб қўяди. “Нега?” деган савол туғилади. Чунки бу иш билан жиддий машғул бўлганлар (жумладан, ўқувчи ҳам!) ҳамма қилиб юрган жа-

(Карим Баҳриев таржимасидаги “Дунё шеърляти антологияси” тақдимотидаги нутқ чизгилари)

мики ишлардан каттарок, муҳимроқ ниманидир ҳис қилишадими, дейманда. Яъни бу ҳис уларни ўзга бир ҳаёт сари етаклайди ёки у билан руҳан, маънан боғлайди.

Ана, белгиялик Констан Бюрно (1892-1975) нинг “Бу ҳақда ўйлаб кўринг” номли шеърини олинг. Келинг, уни биргаликда ўқиймиз:

*Бу телбалик ҳақда ўйлаб кўринг,
ёлғизликда
шеър ёзиб ўтирган инсоннинг
ўта муқаррар,
ўта беозор
телбалиги ҳақида ўйланг.
Ўйлангиз, у ўзин қай ҳолга солди!
У бу онда қарта ўйнаб туриши,
ёки бўкиб ичиши,
ё рақс тушиши
ёхуд кинога жўнаши мумкин эди...
Аммо у
қандайдир тиришқоқлик билан
ўзини унутиб шеър қораламоқда.
Бечоранинг узлуксиз
сабри ҳақида ўйланг,
у истеъдодини замондошлари қачон,
қанчалар эрта-кеч тан олишларини ҳам
билмайди, аммо,
шунга қарамасдан,
шеър ёзмоқда.
Замондошлари тугул, ҳатто
хотини ҳам тушунмайдиган,
хотини ногоҳ тушуниб қолса,
қувончдан ўтакаси ёриладиган одамнинг
ўта ошқора,
ўта беозор
улуглик васвасаси,
кибри ҳақида ўйланг.*

*Бунақа шеър ёзадиган,
шеърлятга ишонадиган,
сўзлар билан дўст тутинган
савдойи одамнинг, эҳтимол,
ишхонасида кутиб турган
тинкақуритар маш-машалар,
ноқулайликлар ҳақда ҳам ўйланг.
Ўйланглар бу азобга ботган,
азоблари ўзига ёқадиган,
азобларга қарамасдан
(яна бизнинг шу замонда-я!)
шеър ёзаётган одам ҳақида.*

Лекин шоир барибир шеър ёзади, ёзмоқда. Шоирлигини сиздан, мендан, ҳатто хотини ё эридан яшириши мумкин, бироқ шеър ёзишдан тўхтамайди, шеърдан воз кечмайди. У (ёзиш) яшаш шартларидан бирига айланган. Нафсиламрини айтганда, фақат шундайлар санъат билан, адабиёт билан, шеър билан шуғулланиши керак.

Хўш, қандай асарни таржима учун танлаб олиш керак? Албатта, таржимон ўз руҳига, дунёкарашига яқин шоир (ҳар қандай бошқа ижодкор) асарлари таржимасига қўл урса, иш анчайин муваффақиятли чиқади, деган аксиоманамо қараш юради. Бу, умуман олганда, тўғри қараш. Бироқ таржимоннинг ўзи, айнаи вақтда, ижодкор бўлса-чи? Унда вазият анча ўзгаради. Зеро, ижодкор ҳаёлан ҳамманинг “терисига кириб чиқадиган” одам. Модернист шоиримиз Ш.Субҳон ёзганидек, “Ҳамма шоир эмас, Шоир – ҳамма”. Ижодкор ҳамма бўлишга мажбур ва маҳкум. Шундай бўлмаса, одамларга сўз айта-



ман, дея қўлига қалам олмасин у. Чунки ижодкорнинг биринчи вазифаси – инсонни тушунишдир. Кейин ёзиш, маҳорат кўрсатиш дегандек ишлар келади. Шу маънода К.Баҳриевнинг 144 мамлакатдан салкам 500 (496) шоир шеърларини таржима қилганини қабул қилиш мумкин. Албатта, уларнинг орасидан таржимон руҳиятига энг мослари борки, айнан шу ердаги таржималар янада сифатли чиққани борасида ҳали таржимашунослар сўз айтиб қолади, деб ўйлайман.

Тақдимотда шеърлар 11 та тилдан таржима қилингани айтилди. Бугунги техник имкониятлар тўғрисида бу мумкин, албатта. Бироқ бу ерда ишнинг бошида техника эмас, балки инсон (таржимон) омили турибди. (Сўзликлардан тез ва сифатли фойдаланишда техниканинг ёрдами бекиёс эканлигини тан оламинг) Зеро, К.Баҳриев таржима ишига тасодифан кириб қолгани йўқ. Бу борада унинг елкасида 45 йиллик тажриба турибди. Демак, аввало, унинг ўзи шоир, ижодкор, кейин эса деярли бир умр таржима билан профессионал тарзда шуғулланган. Натижада, ўзбек ўқувчиси шу чокқача тахминан 65 та мамлакат шоирларини ўқиган бўлса, энди буларнинг сони 144 тага етди. Шу ерда бир зум тин олиб, таржимон меҳнатию заҳмати, энг муҳими, у эришган самара қамровини ўзингиз чамалаб олаверинг!..

Биз таржима қилинган асарларни ўқиб, ўзга эллар, уларнинг ҳаёт ва фикрлаш тарзи, туйғуларига ошно бўламиз ва улар ҳам ўзимизга ўхшаган одам эканлигини, яхшиликдан қувониб, ёмонликдан қайғуга чўмишларини юрак-юракдан ҳис қиламиз. Бир сўз билан айтганда, дунё шундоқ қафтимизга сирғалиб тушади. Демак, жисман дунё бўйлаб сафарга чиқмасдан ҳам дунё кезишнинг энг харажатсиз, хавфсиз ва завқли йўлларида бири айнан таржима қилинган адабиётни ўқишдир. Шу маънода, яхши таржимонлар ўқувчини дунё бўйлаб кизикарли саёҳатга олиб чиқувчи беминнат ГИД (йўлбошловчи) лардир, дегим келади.

Тақдимотда оташин нутқи билан зални жим қилиб, таржимашунос зукко олим Зухриддин Исомиддиновни бўлса, “ташвишга солиб” қўйган, энг муҳими, китоб нашрига ҳисса қўшган машҳур журналист Исмаил Хушев ушбу антологиянинг 50 минг ададда чиқиб тарқалишини орзу қилди. Биз ҳам шунини истаймиз. Бироқ бу иш орзую истак билан рўёбга чиқиб қолмайди. Бунинг учун миллат китоб ўқиши керак. Ўқиш учун эса, аввало, мамлакатдаги ҳар ўқув даргоҳи ўз кутубхоналарига антологиядан бир нусхадан сотиб олиб, талабаю ўқувчиларга илтимоси лозим бўлади. Шунингдек, адабиёт мутахассисларию ихлосмандлари ҳам китобни қўлга киритишга шошилсалар, деган умидимиз бор.

Ниҳоят яна бир гап – антология билан танишиб чиқарканман, ўзбек адабиёти, хусусан, шеърляти нақадар улуг эканлигига яна бир бор иймон келтирдим.

Улугбек ҲАМДАМ